

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**ИБРАГИМОВ БАХОДИР БАХТИЁРОВИЧ**

**ОҚ ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ ВА УЛАРНИ ОҚ ЙИРИК ҚУЁН ЗОТИ БИЛАН  
ЖУФТЛАШДАН ОЛИНГАН ДУРАГАЙЛАРНИНГ БИОЛОГИК  
ҲАМДА МАҲСУЛДОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**06.02.03 – Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Ибрагимов Баходир Бахтиёрович**

Оқ янги зеландия ва уларни оқ йирик қуён зоти билан жуфтлашдан олинган дурагайларнинг биологик ҳамда махсулдорлик хусусиятлари ..... 3

**Ибрагимов Баходир Бахтиёрович**

Биологические и продуктивные особенности кроликов новозеландской белой породы и ее помесей с белым великаном ..... 21

**Ibragimov Bakhodir Bakhtiyorovich** .....

Biological and productive features of the New Zealand white rabbit and its crosses with a white giant..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**ИБРАГИМОВ БАХОДИР БАХТИЁРОВИЧ**

**ОҚ ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ ВА УЛАРНИ ОҚ ЙИРИК ҚУЁН ЗОТИ БИЛАН  
ЖУФТЛАШДАН ОЛИНГАН ДУРАГАЙЛАРНИНГ БИОЛОГИК  
ҲАМДА МАҲСУЛДОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**06.02.03 – Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4PhD/Qx684 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.uzkarakul.uz](http://www.uzkarakul.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исмаилов Мирзакул Шеркулович**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Турганбаев Рузимбай Уразбаевич**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Газиев Адхам**

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти хузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даража берувчи PhD 05/30.12.2019.Qx.75.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «24» 06 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140154, Самарқанд, М.Улуғбек кўчаси, 47 уй. Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти, мажлислар зали 2 қават, тел:(99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: [uzqarakul30@mail.ru](mailto:uzqarakul30@mail.ru)).

Диссертация билан Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (207 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси 47-уй, институт маъмурий биноси, 1-қават тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81.

Диссертация автореферати 2021 йил «09» 06 тарқатилди.  
(2021 йил «08» 06 даги № 2 рақамли реестр баённомаси).



**Н.А.Бобокулов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,  
қ.х.ф.д., профессор

**З.С.Кличев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, қ.х.ф.д. (PhD)

**С.Ю.Юсупов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
қ.х.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёнинг кўплаб ривожланаётган давлатларида аҳоли бош сонининг ошиши озик – овқатга, жумладан гўшт маҳсулотларига бўлган талабнинг ҳам ошишига олиб келмоқда. «Куёнчилик чорвачиликнинг ноанъанавий тармоғи сифатида ўзининг серпуштлик, нисбатан эрта вояга етиш, тезетилувчанлик, самарали озуқа конверсияси, сақлаш учун кам жой талаб этиши ва бошқа хусусиятлари билан кўплаб тараққий этмаган мамлакатларнинг аҳолисини арзон ва юқори сифатли ҳайвон оқсилли билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда»<sup>1</sup>. Куёнлардан олинган гўшт маҳсулотларининг дунё бўйича ишлаб чиқарилиши 1834 минг тоннани ташкил қилиб, 6917000 минг аҳоли бош сонига 0,3 кг дан тўғри келмоқда. Бу кўрсаткичларни янада оширишда маҳсулдор куён зотлари ва дурагайлари яратиш, уларнинг биологик ва маҳсулдорлик хусусиятларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар муҳим бўлиб келмоқда.

Дунёда, жумладан мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида «Куёнчилик тармоғи Украина ва Белоруссия давлатларида асосан хусусий секторда ривожланган. Украинада катта ёшли куёнлар бош сони 5 млн дан ортиқ бўлиб, аҳоли жон бошига ўртача 3 кг ни ташкил этади»<sup>2</sup>. Бу борада самарадорликни оширишда куёнларнинг гўшт ва тери-мўйна маҳсулдорлигини яхшилашга йўналтирилган тадқиқотлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Мазкур йўналишлар таркибида оқ янги зеландия ҳамда оқ йирик куён зотларини жуфтлашдан олинган куёнларининг ўсиш ва ривожланиши, гўштининг сифати ҳамда маҳсулдорлик хусусиятларини аниқлаш асосида куёнлардан олинган маҳсулот миқдори ва сифатини оширишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда куёнчиликнинг айнан тери, гўшт ва тивит йўналишларини ривожлантиришга эътибор қаратилиб, мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, бугунги кунда аҳоли хонадонларида ва куёнчилик хўжаликларида 112609 бош, шундан 66137 бош зотдор куёнлар кўпайтирилмоқда. Куён гўшти ишлаб чиқариш учун бугунги кунда оқ янги зеландия ва калифорния зотлари урчитилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «Чорвачиликни янада ривожлантириш, республика ҳудудларида аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда кўшимча даромад манбаини яратиш мақсадида фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида куён боқиши ва гўшт етиштириш Давлат дастурига киритилган»<sup>3</sup>. Ушбу мақсадлардан келиб чиқиб кичик куёнчилик фермалари шароитида оқ янги зеландия ва дурагай куёнларнинг маҳсулдорлигини ошириш йўллари

<sup>1</sup> Hassan H.E. and et. (2012). Evaluation of body weight and some morphometric traits at various ages in local rabbits of Sudan. Journal of Animal Science Advances, 2(4): 407-415

<sup>2</sup> Комлацкий В. И., и др. Эффективное кролиководство: учеб. Пособие. Краснодар: КубГАУ, 2013. – 224 с.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармонинг 8-илоvasи.

аниқлаш, турли атмосфера ҳароратида сақланган оқ янги зеландия ва дурагай қуёнларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, термонеутрал ҳароратга нисбатан иссиқлик гомеостазининг ўзгариши, ёш даврлари бўйича гематологик ва клиник кўрсаткичлари аниқлаш, оналик сифати, унинг туғумлар бўйича ўзгариши, бўғозлик даврининг серпуштликка боғлиқлигини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқотларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777 сон «Ҳар бир оила-тадбиркор дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги, 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта химояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил 27 июндаги 532-сон «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 2 август 647-сон «Республикада қуёнчилик соҳасидаги илмий фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қуёнларнинг биологик ва маҳсулдорлик хусусиятлари хориж олимлари V. Broeck, P.Mortier, P.Simoens (2001), T.M. Mousa (2004), W.H.Kishk, J.Rafay (2009), C.Blas, J.Wiseman (2010), Ch.River (2013), V.Brahmantiyo, Y.C. Raharjo, L.H. Prasetyo (2017), F.O.Ajayi, F.I.Ologbose, E.S.Esenowo (2018), рус олимлари В.В.Александрова (2003), Ю.А.Калугин (2006), В.С.Александрова (2009), Р.М. Нигматуллин (2011), О.В.Ключникова, Н.П. Кожевникова, В.С.Слободяник, И.А.Сухарева, А.В.Соколов (2012), Е.Н.Черненко (2016), Ч.В.Ревазов (2018) ва мамлакатимиз олимлари У.Ш.Балласов, Ш.К.Маматиминов (2016), Д.Ғ.Ҳайитов, З.Т.Ражамуродов (2019) ва бошқалар томонидан ўрганилган. Аммо юртимизда тадқиқот объектидаги қуёнларнинг ўсиш ва ривожланиши, маҳсулдорлик кўрсаткичлари, оналик сифати деярли ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд ветеринария медицинаси институти билан Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги “Ikrom Mahmudov” фермер хўжалигининг №01-сон «Оқ янги зеландия ва уларни оқ йирик қуён зоти билан жуфтлашдан олинган дурагайларнинг биологик ҳамда маҳсулдорлик хусусиятлари» мавзусидаги хўжалик шартномаси асосида бажарилган (2017-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** оқ янги зеландия ва уларни оқ йирик қуён зоти билан жуфтлашдан олинган дурагайларнинг биологик ҳамда маҳсулдорлик хусусиятларини аниқлаш асосида қуёнлардан олинадиган маҳсулот сифатини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

урғочи қуёнларнинг урчиш хусусияти, оналик сифатининг туғумлар бўйича ўзгариши, сутдорлик коэффиценти ва унга уя ҳажмининг таъсирини аниқлаш;

оқ янги зеландия ҳамда оқ йирик қуён зоти билан жуфтлаб олинган дурагай қуёнларнинг ўсиш ва ривожланиш, гўштининг морфологик таркиби, интерьер кўрсаткичлари, тери-мўйна сифати, юза ўлчами хусусиятларига қиёсий баҳо бериш;

оқ янги зеландия ҳамда дурагай қуёнларнинг ёш даврлари бўйича гематологик ва клиник кўрсаткичларининг ўзгариши ва турли ҳаво ҳароратида сақланган қуёнларнинг тана ҳароратига таъсири аниқлаш;

оқ янги зеландия ҳамда оқ йирик қуён зоти билан жуфтлаб олинган дурагай қуёнларни парваришлашнинг иқтисодий жиҳатдан самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Жиззах ва Самарқанд вилояти шароитида оқ янги зеландия ҳамда оқ йирик қуён зоти билан жуфтлаб олинган дурагай биричи бўғин қуёнлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** она қуёнларнинг серпуштлиги, оналик сифати, унинг намоён бўлиш хусусиятлари, сутдорлиги, оқ янги зеландия ҳамда оқ йирик қуён зоти билан жуфтлаб олинган дурагай қуёнларининг ўсиши ва ривожланиши, экстерьер кўрсаткичлари, тана индекслари, клиник белгилари, озиклантириш ва сақлаш технологиялари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий тадқиқотни бажаришда Б.Г.Меньшовнинг «Она қуёнларнинг сутдорлигини аниқлаш», Е.В.Анисимованинг «Оналик сифати, уяни жун билан тўлдириш даражаси», Б.А.Кузнецовнинг «Жун тола тиғизлиги», С.С.Шварцнинг «Ички органлар бўйича морфофизиологик индекс» ГОСТ 27747-2016 бўйича «Сўйим вазни, сўйим чиқими», Салининг «Қондаги гемоглабин миқдорини аниқлаш» Е.К.Меркурьеванинг «Ўртача арифметик қиймат ( $X$ ), унинг хатоси ( $S_x$ ), ўзгарувчанлик коэффиценти ( $C_v$ )» усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор мамлакатимизда кичик қуёнчилик фермалари шароитида оқ янги зеландия ва дурагай қуёнларнинг биологик ва маҳсулдорлик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бўғин қуввати ҳисобига маҳсулдорликни ошириш йўллари аниқланган;

илк бор турли ташқи атмосфера ҳароратида сақланган оқ янги зеландия ва дурагай қуёнларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, термонеутрал ҳароратга нисбатан иссиқлик гомеостазининг ўзгариши, яъни 30 °С даражада кучсиз гипертермия, 40 °С етганда кучли гипертермия юзага келиши, ҳово ҳарорати 16-23 °С бўлганда иссиқлик гомеостази ўзгармаслиги аниқланган;



оқ янги зеландия куёнларнинг оналик сифати, унинг туғумлар бўйича ўзгариши, бўғозлик даври серпуштликка боғлиқлиги аниқланиб, биринчи туғимдан учинчи туғимгача бўлган даврда олинган авлодлар бош сони ошиб бориши бўйича она куёнларда ижобий, унга мос бўлган бўғозлик давр орасида эса салбий корреляцион боғлиқлик аниқланган;

тоза зотли оқ янги зеландия куёнлари дурагай куёнларга қараганда 30; 45; 60; 90 кунлик ёшида юқори тирик вазнга эга бўлиши, 120 кунлик ва вояга етган ёшида эса дурагай куёнлар тирик вазни мос ҳолда 355,0 г ва 523,0 г юқори бўлиши исботланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

оқ янги зеландия куёнлари турли типда жуфтлашдан олинган авлодларнинг маҳсулдорлик ва биологик хусусиятлари аниқланган;

она куёнларнинг уч туғим давомидаги серпуштлиги, оналик сифатининг ўзгариши ва унинг авлодлар сақланувчанлигига таъсири аниқланган бўлиб, куёнлар бош сонини оширишда аҳамияти асосланган;

турли типда жуфтлашдан олинган куён авлодларининг турли ёш давларида ташқи тана тузилиши ва унинг маҳсулдорликка таъсири аниқланган;

куён гўшти етиштириш ва тери-мўйна сифатини яхшилаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертация мавзуси бўйича тадқиқотларни бажаришда умум қабул қилинган янги замонавий усуллардан фойдаланилганлиги, тадқиқотлар натижасида олинган рақамли маълумотларга статистик ва математик таҳлил усулларида биометрик ишлов берилганлиги, дала тажриба ва лаборатория ишларининг олиб борилиши Самарқанд ветеринария медицинаси институти апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, олинган натижалар жорий этиш далолатномалари билан тасдиқлангани ҳамда нуфузли илмий ва илмий-оммабоп нашрларда чоп қилинганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотларнинг илмий аҳамияти унинг объекти бўлган куёнларнинг маҳсулдорлиги, тирик вазн кўрсаткичлари, тери – мўйна сифатини яхшилаш, серпуштик ва бўғозлик давомийли орасидаги боғланиш, ўсиш ва ривожланиш даврида тана қисмлари мутаносиблигининг ўзгариши каби натижалар куёнчилик тармоғининг назарий қисмини тўлдирганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамиятини ишлаб чиқилган услубий ва меъёрий кўрсатмалар куёнчилик хўжаликларида куёнларни урчитишда юқори тирик вазнга эришиш, сўйим оғирлигини ва сўйим чиқимини ошириш, маҳсулот бирлигига озукани камайтириш ва тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини таъминланишида фойдаланилиши билан таърифлаш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оқ янги зеландия ва уларни оқ йирик куён зоти билан жуфтлашдан олинган дурагайларнинг



биологик ҳамда маҳсулдорлик хусусиятларини ўрганиш йўналишида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

тоза ва дурагай қуёнларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, маҳсулдорлик потенциалини ошириш усуллари Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани “Ikrom Maxmudov” фермер хўжалигида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2 февраль 2021 йилдаги 02/23-61-сон маълумотномаси). Натижада бир бош дурагай қуёнларнинг гўшт маҳсулдорлиги ўртача 2,56 кг (тоза зотдан 0,31 кг оғир), бир дона ошланган тери сатҳи 163,98 см<sup>2</sup> га йирик бўлиши ҳисобига сотиш баҳоси 23,0 минг сўмни ташкил этди. Рентабеллик даражаси тоза зотли қуёнларга нисбатан 27 фоизга юқори бўлиб, жами 66,1 фоизни ташкил этган;

оқ янги зеландия ва дурагай қуёнларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, маҳсулдорлик потенциалини ошириш усуллари Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани “Aslxo‘ja Darg‘om Agro Velikan” МСНЖ да жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2 февраль 2021 йилдаги 02/23-61-сон маълумотномаси). Натижада бир бош дурагай қуёнларнинг гўшт маҳсулдорлиги ўртача 2,47 кг ни, бир дона ошланган тери сатҳи 157,15 см<sup>2</sup> га йирик бўлиши ҳисобига сотиш баҳоси 20 минг сўмни, рентабеллик даражаси эса тоза зотли қуёнларга нисбатан 23,8 фоизга юқори бўлиб, жами 62,7 фоизни ташкил этган;

соф зотли ва дурагай қуёнларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулдорлик потенциалини ошириш усуллари Самарқанд вилояти Булунғур тумани “Ochilov Murodjon Abdurohmon O‘g‘li” деҳқон хўжалигида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2 февраль 2021 йилдаги 02/23-61-сон маълумотномаси). Натижада дурагай қуёнларнинг тирик вазни, сўйим массаси юқори бўлиб, бир бош ҳисобига қўшимча фойда 10,4 минг сўмни ҳамда соф зотли қуёнларга нисбатан рентабеллик даражаси 20,5 фоиз юқори бўлган;

соф зотли ва дурагай қуёнларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулдорлик потенциалини ошириш усуллари Самарқанд вилояти Булунғур тумани “Fayz Azamat Yeri” деҳқон хўжалигида жорий қилинди (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2 февраль 2021 йилдаги 02/23-61-сон маълумотномаси). Натижада дурагай қуёнларнинг тирик вазни, сўйим массаси юқори бўлиб, бир бош ҳисобига қўшимча фойда 11,2 минг сўмни ҳамда соф зотли қуёнларга нисбатан 21,2 фоизга рентабеллик даражаси юқори бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари Самарқанд ветеринария медицинаси институти илмий ҳисобот конференцияларида (2017-2020 йй), Зооинженерия факултетининг апробация комиссиясида (2019 й), Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани “Ikrom Maxmudov” фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш йиғилишларида,

шунингдек 2 та халқаро, 2 та республика илмий- амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши бўйича 1 та тавсиянома, 1 та амалий қўлланма, 12 та илмий мақолалар, шундан халқаро ва республика илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида 4 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, шундан биттаси Scopus базасига кировчи хорижий нашрларда чоп этилган.

**Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулосалар, ишлаб чиқаришга амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалар ва атамалар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 120 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалиёт натижалари, амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича янги замонавий хорижий ва маҳаллий илмий манбалар, интернет маълумотлари, дунёдаги етакчи олимлар илмий ишларининг натижалари ўрганилиб, маданий қуёнларнинг келиб чиқиши ва доместикацияси, маданий қуёнларнинг биологик ва маҳсулдорлик хусусиятлари, маданий қуёнларни озиклантириш ва сақлаш хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган. Кўплаб муаллифларнинг маълумотлари умумлаштирилиб, тегишли хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот манбаи ва услуги**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот манзили, схемаси, тадқиқотда қўлланилган усул ва услублари баён этилган.

Тадқиқотлар 2017-2020 йиллар давомида Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида жойлашган “Ikrom Maxmudov” фермер хўжалиги олиб борилди. Тадқиқотлар давомида оқ янги зеландия ва уларни оқ йирик қуён зоти билан жуфтлашдан олинган дурагайларнинг биологик ҳамда маҳсулдорлик хусусиятлари бўйича ўсиш ва ривожланиш, тирик вазн динамикаси, сутдорлик ва тана тузилиш индекслари, гўшт маҳсулдорлиги, тери-мўйна сифати аниқлаш, тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги, тажрибада олинган маълумотларга биометрик ишлов беришда қўлланилган усул ва услублар баён этилган.

Диссертациянинг «**Қуёнларни сақлаш ва озиклантириш**» деб номланган учинчи бобида тажрибадаги қуёнларни сақлаш шароити,

куёнларни сақлашда қўлланилган катакнинг тавсифи ва чизмаси келтирилган. Ташқи ва бино ичидаги катакларда сақланган куёнларга турли ҳароратдаги атмосфера ҳавосининг куёнлар иссиқлик гомеостазига таъсир этиш хусусиятлари аниқланган (1-жадвал).

Ташқи ҳаво ҳарорати  $-10\text{ }^{\circ}\text{C}$  совуқни ташкил этганда оқ янги зеландия куёнларининг тана ҳарорати  $37,40\pm 0,04\text{ }^{\circ}\text{C}$  ташкил этиб, дурагай куёнларда эса бу кўрсаткич  $37,71\pm 0,06\text{ }^{\circ}\text{C}$  ёки назорат гуруҳига нисбатан  $0,31\pm 0,07\text{ }^{\circ}\text{C}$  ( $P<0,01$ ) юқори бўлиши аниқланди. Дурагай куёнлар тана ҳароратининг нисбатан юқори бўлишининг асосий сабаби жун – тола қоплами оқ янги зеландия куёнларига нисбатан тиғиз жойлашганлиги билан тушинтириш мумкин. Бу ҳолатни тажрибадаги куёнлар жун-тола қоплами тиғизлигини органолептик усулда баҳолаш натижалари исботлайди. Аммо ҳар иккала гуруҳда ҳам мазкур ҳароратда иссиқлик гомеостази меъёрга ( $38,77\pm 0,05$ ) нисбатан мос равишда  $1,37\pm 0,06\text{ }^{\circ}\text{C}$  ( $P<0,001$ ) ва  $1,06\pm 0,08\text{ }^{\circ}\text{C}$  ( $P<0,001$ ) га паст бўлиши кузатилди.

### 1-жадвал

#### Турли ҳароратдаги атмосфера ҳавосининг куёнлар иссиқлик гомеостазига таъсири, $^{\circ}\text{C}$ (n-10)

Очик ҳавода			Бино ичидаги		
Ташқи ҳаво ҳарорати	Тоза зотли куёнлар (назорат)	Дурагай куёнлар (тажриба)	Бино ҳарорати	Тоза зотли куёнлар (назорат)	Дурагай куёнлар (тажриба)
$-10^{\circ}$	$37,40\pm 0,04$	$37,71\pm 0,06$	$+16^{\circ}$	$38,73\pm 0,08$	$38,75\pm 0,05$
$0^{\circ}$	$37,83\pm 0,05$	$37,94\pm 0,04$			
$+10^{\circ}$	$38,27\pm 0,05$	$38,41\pm 0,05$			
Меъёр $38,77\pm 0,05$					
$+20^{\circ}$	$38,70\pm 0,07$	$38,83\pm 0,06$	$+20^{\circ}$	$38,84\pm 0,07$	$38,88\pm 0,07$
$+30^{\circ}$	$39,76\pm 0,10$	$39,70\pm 0,07$	$+23^{\circ}$	$38,91\pm 0,09$	$38,93\pm 0,07$
$+40^{\circ}$	$41,73\pm 0,11$	$41,77\pm 0,09$	$+28^{\circ}$	$39,50\pm 0,09$	$39,52\pm 0,07$

Ташқи ҳаво ҳарорати  $30\text{ }^{\circ}\text{C}$  бўлганда куёнларда кучсиз гипертермия ҳолатининг юзага келиши кузатилди. Бу ҳолатни ҳар иккала гуруҳдаги куёнларда тана ҳароратининг физиологик меъёрдаги иссиқлик гомеостазига нисбатан мос равишда  $0,99\pm 0,11\text{ }^{\circ}\text{C}$  ва  $0,93\pm 0,09\text{ }^{\circ}\text{C}$  юқори бўлишидан кузатиш мумкин ( $P<0,001$ ). Муҳит ҳарорати  $40^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этганда, куёнлар танасида кучли гипертермия ҳолати кузатилди. Бу ҳароратда назорат гуруҳидаги куёнларнинг ректал ҳарорати  $41,73\pm 0,11\text{ }^{\circ}\text{C}$  ни, тажриба гуруҳида эса  $41,77\pm 0,09\text{ }^{\circ}\text{C}$  ни тажриба ва назорат гуруҳларидаги куёнлар тана ҳарорати орасидаги фарқ  $0,04\pm 0,14\text{ }^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этди. Атмосфера ҳарорати  $40\text{ }^{\circ}\text{C}$  бўлганда куёнларнинг иссиқлик гомеостази меъёрга нисбатан мос равишда  $2,96\pm 0,12\text{ }^{\circ}\text{C}$  ва  $3,00\pm 0,10\text{ }^{\circ}\text{C}$  юқори бўлди ( $P<0,001$ ). Тана ҳарорати ўта юқори даражага қўтарилиши натижасида гуруҳлардаги куёнларнинг умумий аҳволи ўта оғирлашгани кузатилди. Хусусан, тажриба ва назорат

гуруҳларидаги куёнлардан бир бошдан жами икки бош урғочи жинсли куённинг бурнидан қон кетиб, ўлим ҳолати кузатилди.

Микроиқлимли бино ҳарорати тажриба давомида 16-28 °С оралиғида сақлаб турилди. Бунда ташқи муҳит ҳарорати -10; 0; 10 °С ни ташкил этган пайтда, бино ичида ҳарорат ўртача 16 °С ни ташкил этди. Бу даврда назорат гуруҳидаги куёнларнинг ректал температураси  $38,73 \pm 0,08$  °С бўлиши қайд этилди. Тажриба гуруҳидаги куёнларда эса  $38,75 \pm 0,05$  °С қайд этилиб, гуруҳлар орасида сезиларли фарқ кузатилмади. Куёнларнинг иссиқлик гомеостази ушбу ҳароратда термонеутрал ҳудудга нисбатан мос равишда  $0,04 \pm 0,09$  °С ва  $0,02 \pm 0,07$  °С га паст ҳароратда бўлиши кузатилди ( $P > 0,05$ ). Бино ичидаги ҳарорат 20 °С бўлганда, тоза зотли куёнларнинг тана ҳарорати  $38,84 \pm 0,07$  °С, дурагай куёнларда эса  $38,88 \pm 0,07$  °С ташкил этиб, гуруҳлар орасида ишончлилик даражасидаги фарқ аниқланмади. Худди шундай кўрсаткич микроиқлимли бино ичидаги ҳаво ҳарорати 23 °С ни ташкил этганда ҳам кузатилди, яъни гуруҳлар ўртасида ва термонеутрал ҳудуд ҳароратига нисбатан ишончли фарқ аниқланмади. Аммо бино ичидаги ҳарорат 28 °С ни ташкил этганда, термонеутрал ҳудуд ҳароратига нисбатан гуруҳларнинг тана ҳарорати мос равишда  $0,73 \pm 0,10$  °С ва  $0,75 \pm 0,09$  °С га кўтарилганлиги аниқланди ( $P < 0,001$ ). Бироқ бу ҳароратда кузатилган кучсиз гипертермик ҳолат ҳар иккала гуруҳдаги куёнларнинг умумий аҳволига сезиларли таъсир кўрсатмади.

Диссертациянинг «**Она куёнлардан авлод олиш хусусияти**» деб номланган тўртинчи бобида тажрибадаги урғочи куёнларни жуфтлаш ва қайта жуфтланиши, куёнларда бўғозлик даври ва унинг серпуштлик билан боғлиқлиги, урғочи куёнларнинг оналик сифати ва авлодига ғамхўрлиги, она куёнларнинг сутдорлиги ва уни ҳисобга олиш ёритилган. Куёнлар кўпайиш хусусиятлари билан бошқа турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан фарқ қилади. Бу тафовутларни куёнлардан кўп авлод олиш, қайта урчиш хусусиятларида кузатиш мумкин. Эрта жинсий вояга етиш, юқори серпуштлик, бўғозлик даврининг қисқалиги, лактация даврининг бўғозлик даври билан уйғунлашиши улар учун биринчи характерли хусусиятлардир.

Тадқиқотларда бўғозлик даври ва унинг серпуштлик билан боғлиқлигини ўрганиш бўйича олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.

ОЯЗ х ОЯЗ хилида жуфтланган она куёнларнинг биринчи туғимда бўғозлик даври  $31,8 \pm 0,2$  кун давом этиб, серпуштлиги  $6,0 \pm 0,4$  бошни (Lim 5-7) ташкил этди. Иккинчи туғим даврида она куёнларнинг бўғозлик даври  $30,2 \pm 0,4$  кун давом этиб, серпуштлиги  $9,0 \pm 0,9$  бошга (Lim 7-11) тўғри келди. Иккинчи туғимда биринчи туғимга нисбатан  $3,0 \pm 0,98$  бош ( $P < 0,05$ ) кўп авлод олиниб, бўғозлик даври  $1,6 \pm 0,44$  кунга ( $P < 0,05$ ) қисқа бўлди. Учинчи туғим даврига келиб эса, она куёнларнинг серпуштлиги  $9,2 \pm 0,8$  бошни (Lim 8-12) ташкил этди. Бу туғимда ҳам биринчи туғимга нисбатан  $3,2 \pm 0,89$  бош ( $P < 0,05$ ) кўпроқ авлод олинди. Аммо бўғозлик давомийлиги мос равишда  $2,0 \pm 0,42$  ( $P < 0,01$ ) кунга қисқа бўлди.

**Куёнларда серпуштликка мос бўлган бўғозлик  
даврининг давом этиши (n-5)**

Жуфтлаш хили	Туғим тартиб рақами	Жуфтланди	Серпуштлиги, бош	Lim, бош	Бўғозлик даври, кун	Lim, кун
		♀ x ♂				
Гомоген	I	ОЯЗ x ОЯЗ	6,0±0,4	5-7	31,8±0,2	31-32
	II	ОЯЗ x ОЯЗ	9,0±0,9*	7-11	30,2±0,4*	29-32
	III	ОЯЗ x ОЯЗ	9,2±0,8*	8-12	29,8±0,37**	29-31
Гетероген	I	ОЯЗ x ОЙ	6,2±0,37	5-7	31,6±0,24	31-32
	II	ОЯЗ x ОЙ	8,4±0,24**	8-9	30,6±0,24*	30-31
	III	ОЯЗ x ОЙ	9,0±0,32**	7-10	30,0±0,32*	29-31

\*  $P < 0,05$ ; \*\*  $P < 0,01$ ; ОЯЗ-оқ янги зеландия, ОЙ-оқ йирик

ОЯЗ x ОЙ хилида жуфтланган она куёнларнинг биринчи туғимдаги бўғозлик даври  $31,6 \pm 0,24$  кун давом этди. Серпуштлиги эса  $6,2 \pm 0,37$  бошни (Lim 5-7) ташкил этди. ОЯЗ x ОЯЗ шаклда жуфтланган она куёнларга нисбатан  $0,2 \pm 0,54$  бошга ( $P > 0,05$ ) ортиқ бўлди. Иккинчи марта болалаган куёнларда бўғозлик даври  $30,6 \pm 0,24$  кун давом этиб, олинган авлодлар сони  $8,4 \pm 0,24$  бошни (Lim 8-9) ташкил этди. Олинган авлодлар сони биринчи туғимга нисбатан  $2,2 \pm 0,44$  бошга ( $P < 0,01$ ) ортиқ бўлиб, бўғозлик давомийлиги  $1,0 \pm 0,34$  ( $P < 0,05$ ) кунга қисқа бўлди. Учинчи туғим даврида куёнлардан олинган авлодлар сони ўртача  $9,0 \pm 0,32$  бошни (Lim 7-10) ташкил этиб, бўғозлик мос равишда  $30,0 \pm 0,32$  кун давом этди. Бу туғимда ҳам биринчи туғимга нисбатан  $2,8 \pm 0,49$  ( $P < 0,01$ ) бош кўп авлод олиниб, бўғозлик давомийлиги  $1,6 \pm 0,4$  ( $P < 0,05$ ) кунга қисқа бўлди. Ҳар иккала шаклда жуфтланган куёнларнинг ўзаро мос туғим ва бўғозлик даври давомийлиги бўйича ишончли фарқ аниқланмади. Биринчи туғимдан учинчи туғимгача бўлган даврда олинган авлодлар бош сони ошиб бориши бўйича она куёнларда ижобий  $+0,63$  ва  $+0,84$  (жуфтлаш хили бўйича), унга мос бўлган бўғозлик давр орасида эса салбий  $-0,95$  ва  $-0,87$  корреляция аниқланди.

Куёнлар болалаши олдидан уяни момик жун билан тўлдирилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки куён болалари туғилганда кўзи юмик, жунсиз ва жуда нимжон ҳолда дунёга келади, момик танадаги иссиқликни сақлаб қолади ва нормал терморегуляцияни таъминлайди. Тадқиқотларда урғочи куёнларнинг уч туғум давомидаги оналик сифатини баҳолаш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Жадвал таҳлили кўрсатадики, биринчи туғум даврида тоза зотли жуфтланган урғочи куёнларнинг 40 фоизи уяни шакллантириб, аммо уни момик жун билан қоплашмади, 4 ва 3 балл билан баҳоланган куёнлар салмоғи тенг равишда 20 фоизни ташкил этишди. Айни шу туғумда умуман уяни шакллантирмаган она куёнлар улуши эса 20 фоизни ташкил этди. 5 балл билан баҳоланган она куёнлар кузатилмади. Умумий ҳисобда куёнларнинг оналик сифати ўртача  $2,4 \pm 0,5$  балл билан баҳоланди.

## Урғочи қуёнлар оналик сифати, балл

Жуфтланди		Туғум тартиб рақами					
		I		II		III	
	♀ x ♂	$\bar{x} \pm S_x$	Lim	$\bar{x} \pm S_x$	Lim	$\bar{x} \pm S_x$	Lim
Гомоген	ОЯЗ x ОЯЗ	2,4±0,5	1-4	4,2±0,4	3-5	4,8±0,2**	4-5
Гетероген	ОЯЗ x ОЙ	2,4±0,2	2-3	4,2±0,4	3-5	4,8±0,2**	4-5

\*\*P&lt;0,01

Эркак оқ йирик қуён зоти билан жуфтланган урғочи қуёнларда жами баллнинг ўртача қиймати 2,4±0,2 ни ташкил этиб, 2 балл билан баҳоланган қуёнлар улуши 60 фоизни, 3 балл билан баҳоланган қуёнлар улуши эса 40 фоизни ташкил этди. Оналик сифати бўйича 4 ва 5 балл билан баҳоланган урғочи қуёнлар учрамади. Она қуёнлар иккинчи марта болалаганда оналик сифати биринчи туғумга нисбатан юқори балл билан баҳоланди. Хусусан, иккинчи туғум даврида уяни умуман шакллантирмаган, ёки шакллантириб момиқ жун билан қопламаган она қуёнлар учрамади. Тоза ҳолда ва эркак оқ йирик қуён зоти билан жуфтланган урғочи қуёнларнинг оналик сифати ўртача 4,2±0,4 балл билан баҳоланди. Бунда ҳар иккала гуруҳдаги она қуёнлар 3; 4; 5 балл оралиғида баҳоланиб, уларнинг улуши мос равишда 20; 40; 40 фоизни ташкил этди. Учинчичи марта болалаган қуёнларни оналик сифати бўйича баҳоланганда 1; 2; 3 балл умуман берилмади. Бу туғумдаги она қуёнлар фақатгина 4 ва 5 балл билан баҳоланиб, ҳар иккала гуруҳда уларнинг умумий улуши мос равишда 20, 80 фоизни ташкил этди. Бу туғумда оналик сифатига ўртача 4,8±0,2 балл берилиб, ҳар иккала гуруҳ қуёнлари биринчи туғумга нисбатан мос ҳолда 2,4±0,5 ва 2,4±0,3 баллга (P<0,01) юқори баҳоланди. Иккинчи туғумга нисбатан қиёсланганда гуруҳлар орасида ишончли фарқ аниқланмади. Урғочи қуёнларнинг оналик сифати ва уядаги қуёнларнинг сақланувчанлиги ёш ҳамда туғимлар сони ортиб бориши билан ортади ва бу ҳолат уларда “оналик тажрибаси” нинг ортиши билан изоҳланади. Шунинг учун оналик сифатини баҳолаганда ёш ва туғим сонини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг «**Тажрибадаги қуёнларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари**» деб номланган бешинчи бобида тажрибадаги қуёнларнинг экстерер кўрсаткичлари ва тана тузилишида юз берадиган пропорционал ўзгаришлар, тана тузилиш индекси кўрсаткичлари бўйича маълумотлар ёритилган. Қуёнчиликда конституция типини аниқлаш учун зичлик индексидан фойдаланилади. Айнан шу индекс кўрсаткичи орқали қуёнлар шартли лептосом (тор танали) ва эйрисом (кенг танали) конституция типларига ажратилади. Қуёнларнинг ёшга доир зичлик индекси бўйича олинган маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

Тажрибадаги қуёнларнинг зичлик индекси бўйича олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу кўрсаткич янги туғилган қуёнларда гуруҳлар бўйича мос равишда 59,9 ва 58,5 фоизни ташкил этдиб, тоза зотли қуёнлар дурагай қуёнлардан 1,4 фоиз устунлик қилишди. Бир ҳафталик

ёшида ҳар иккала гуруҳда ҳам энг юқори кўрсаткич мос ҳолда 63,0 ва 63,6 фоиз қайд этилиб, уч ойлик ёшгача дастлабки даврга нисбатан индекс кўрсаткичининг камайиши ва мос равишда 56,7 ва 54,5 фоизни ташкил этиши аниқланди. Бир юз йигирма кунлик ёшда кўрсаткичининг юқорилоши ва мос равишда 61,1 ва 56,7 фоизга тенг бўлиши кузатилди. Вояга етган тоза зотли қуёнларда зичлик индекси 62,3 фоизни ташкил этиб, эйрисом конституция типига мансуб бўлишган бўлса, дурагай қуёнларда эса 59,2 фоизни ташкил этиб, лептосом конституция типига мансуб бўлишди.

#### 4-жадвал

##### Қуёнларнинг зичлик индекси, %

Қуён	Ёши, кун									
	Туғ	7	10	21	30	45	60	90	120	120>
Тоза зотли	59,9	63,0	58,4	58,6	57,7	53,6	56,7	57,4	61,1	62,3
Дурагай	58,5	63,6	59,0	59,3	59,1	57,7	54,5	53,4	56,7	59,2

Маълумки, тирик вазн барча қишлоқ хўжалик ҳайвонлари сингари қуёнларда ҳам маҳсулдорлик кўрсаткичини ифодаловчи муҳим белгилардан бири ҳисобланади.

Айнан тирик вазн қуёнларнинг ўсиш кўрсаткичлари билан бир қаторда, уларнинг гўшт маҳсулдорлигини ҳам баҳолаш имконини беради. Қуёнларнинг тирик вазн кўрсаткичлари бўйича олган маълумотлар 5-жадвалда ўз аксини топган.

#### 5-жадвал

##### Қуёнларнинг тирик вазн динамикаси, г (n-10)

Ёши, кун	Тоза зотли			Дурагай		
	$\bar{X} \pm S_x$	$C_v \%$	lim	$\bar{X} \pm S_x$	$C_v \%$	lim
Туғ.	52,0±3,00	18,24	35-65	53,0±2,13	12,74	40-60
7	110,0±3,80	10,93	95-125	116,0±4,20	11,46	95-135
10	144,5±7,21	15,77	105-185	160,5±6,81	13,42	130-205
15	172,0±6,38	11,72	145-195	191,5±7,23	11,94	160-235
21	286,0±10,27	11,35	250-340	309,5±11,04	11,28	270-370
30	634,0±12,60**	6,29	590-700	545,5±17,44	10,11	450-600
45	1227,0±30,52**	7,87	1090-1380	1072,5±24,06	7,10	950-1175
60	1933,0±43,92***	7,19	1760-2170	1514,5±36,59	7,64	1300-1655
90	2877,5±60,47**	6,65	2700-3310	2512,5±56,21	7,07	2290-2760
120	3317,5±55,86	6,53	3100-3690	3672,5±87,02**	7,49	3350-4250
120>	3980,5±76,78	6,10	3695-4390	4503,5±87,86**	6,17	4160-4960

\* P<0,05; \*\* P<0,01; \*\*\*P<0,001.

Жадвал маълумотлари таҳлилидан кўриш мумкинки, тоза оқ янги зеландия ва дурагай қуёнлар озиклантириш ва асраш шароити бир хил бўлган шароитда парваришланган бўлсада тирик вазн кўрсаткичлари бўйича маълум фаркланиш кузатилди. Хусусан, дурагай қуёнлар тоза зотли тенгқурларига қараганда янги туғилган, 7, 10, 15, 21 кунлик ёшида даврлар бўйича мос ҳолда 1,0 г ёки 1,9 фоиз; 6,0 г ёки 5,5 фоиз; 16,0 г ёки 11,1 фоиз; 19,5 г ёки 11,3 фоиз; 23,5 г ёки 8,2 фоизга (P>0,05) ортиқ вазнга эга бўлишди. Аммо ўттиз кунлик ёшга етганда эса аксинча тоза зотли қуёнларнинг дурагай



куёнларга караганда тирик вазни 88,5 г ёки 16,2 фоизга ( $P<0,01$ ) юқори бўлиши кузатилди. Худди шундай тенденция тоза зотли куёнларнинг дурагай куёнларга нисбатан кўрсаткичларида ҳам қайд этилиб, уларнинг 45, 60, ва 90 кунлик ёш даврларида ёшда мос равишда 154,5 г ( $P<0,01$ ) ёки 14,4 фоиз; 418,5 г ( $P<0,001$ ) ёки 27,6 фоиз; 365,0 г ( $P<0,01$ ) ёки 14,5 фоиз юқори тирик вазнга эга бўлишди. Бироқ дурагай куёнлар бир юз йигирма кунлик ёш ва вояга етиш даврига келиб аксинча, тоза зотли куёнларга нисбатан мос ҳолда 355,0 г ( $P<0,01$ ) ёки 10,7 фоиз ва 523,0 г ( $P<0,01$ ) ёки 13,1 фоизга юқори вазнга эга бўлишди.

Қон организмнинг ойнаси бўлиб, организмдаги ҳаётий жараёнларнинг меъёрий кечишини кўрсатадиган кўрсаткичлардан бири қоннинг физиологик ҳамда биохимик кўрсаткичлари ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қоннинг шаклли элементларини санаш, уларнинг организмдаги миқдорини билиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, организмнинг нормал физиологик ҳолатида қандай қон кўрсаткичига эга эканлигини билсакгина, организмда рўй бераётган ҳар қандай ўзгаришни фарқлай олишимиз мумкин.

Тадқиқотларда тоза зотли ва дурагай куёнларнинг ёшга боғлиқ ҳолда қонининг морфологик тақибини ўрганиш бўйича олинган маълумотлар б-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатадики, бир ойлик ёшдаги тоза зотли куёнларда эритроцитлар миқдори  $3,85\pm 0,09$  млн/мм<sup>3</sup>, дурагай куёнларда эса  $3,96\pm 0,14$  млн/мм<sup>3</sup> донани ташкил этди. Ушбу миқдор кўрсаткичи куёнлар учун белгиланган физиологик меъёрнинг (5,2-6,8 млн/мм<sup>3</sup>) қуйи поғонасидан гуруҳлар бўйича мос ҳолда 25,96 ва 23,38 фоизга кам эканлигини кўриш мумкин. Бир ярим ойлик ёшга тўлган куёнларда эритроцитлар миқдори гуруҳларда мос равишда 11,17; 11,87 фоизга ортиб,  $4,28\pm 0,09$  ва  $4,43\pm 0,15$  млн/мм<sup>3</sup> донани ташкил этди. Лекин бу ёшда ҳам эритроцитларнинг физиологик меъёрдан 21,49; 17,38 фоиз паст кўрсаткич қайт этилди.

#### б-жадвал

#### Турли ёшдаги куёнлар қонининг морфологик кўрсаткичлари,

$$\bar{X}\pm S_x (n=5)$$

Ёш, кун	Эритроцит, млн/мм <sup>3</sup>		Гемоглобин, г %		Лейкоцит, минг/мм <sup>3</sup>	
	Тоза зотли	Дурагай	Тоза зотли	Дурагай	Тоза зотли	Дурагай
30	$3,85\pm 0,09$	$3,96\pm 0,14$	$9,8\pm 0,26$	$9,9\pm 0,24$	$7,52\pm 0,16$	$7,60\pm 0,23$
45	$4,28\pm 0,09$	$4,43\pm 0,15$	$10,5\pm 0,22$	$11,1\pm 0,33$	$5,56\pm 0,12$	$5,48\pm 0,19$
60	$4,53\pm 0,11$	$4,79\pm 0,17$	$12,7\pm 0,30$	$13,1\pm 0,46$	$5,68\pm 0,14$	$5,64\pm 0,16$
90	$5,32\pm 0,12$	$5,76\pm 0,17$	$13,7\pm 0,37$	$13,9\pm 0,40$	$6,08\pm 0,15$	$6,16\pm 0,17$
120	$6,04\pm 0,16$	$6,53\pm 0,17$	$13,8\pm 0,41$	$14,2\pm 0,46$	$6,24\pm 0,15$	$6,28\pm 0,19$

Икки ойлик ёшга етганда куёнларда эритроцитларнинг ўртача миқдори  $4,53\pm 0,11$  ва  $4,79\pm 0,17$  млн/мм<sup>3</sup> донани ташкил этиб, физиологик меъёрдан 14,47; 8,86 фоиз кам бўлгани аниқланди. Тўқсон кунлик ёшга келиб ҳар иккала гуруҳдаги куёнларда эритроцитларнинг ўртача миқдори  $5,32\pm 0,12$  ва  $5,76\pm 0,17$  млн/мм<sup>3</sup> донани ташкил этиб, нормал физиологик кўрсаткич билан

